

Нематов Жўрабек Нематиллоевич,

Хуқуқ доктори, доцент.



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2018-9-6>

ЎЗБЕКИСТОНДА МАЪМУРИЙ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРНИНГ ХУҚУҚ ИНСТИТУТИ СИФАТИДАГИ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ТАҲЛИЛИ

Аннотация: ушбу мақолада маъмурий тартиб-таомилларнинг маъмурий ҳуқуқ институти сифатидаги тавсифи, маъмурий тартиб-таомиллар тушунчаси борасида ҳуқуқшунос олимларнинг билдирган илмий қарашлари, маъмурий тартиб-таомилларнинг маъмурий процесс, маъмурий иш юритувдан фарқли жиҳатлари илмий-назарий таҳлил қилинган. Келтирилган таҳлиллар натижасида маъмурий тартиб-таомилларнинг маъмурий ҳуқуқдаги ўрни ва унинг тушунчасига оид муаллифлик таърифи келтирилган.

Калит сўзлар: маъмурий тартиб-таомиллар, маъмурий процесс, маъмурий иш юритув, маъмурий тартиб-таомиллар тушунчаси ва хусусиятлари.

Нематов Жўрабек Нематиллоевич,

Доктор права, доцент

НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ АДМИНИСТРАТИВНЫХ ПРОЦЕДУР КАК ИНСТИТУТ ПРАВА В УЗБЕКИСТАНЕ

Аннотация: В данной статье приводится научно-теоретический анализ характеристики административных процедур как института административного права, научных взглядов ученых-юристов на понятие административных процедур, различия административных процедур от административного процесса и административного производства. В результате анализа приводится описание роли административных процедур в административном праве и его авторское определение.

Ключевые слова: административные процедуры, административный процесс, административное производство, понятие и особенности административных процедур

Nematov Jurabek Nematilloevich,

Doctor of Law, Associate Professor

SCIENTIFIC AND THEORETICAL ANALYSIS OF ADMINISTRATIVE PROCEDURES AS AN INSTITUTE OF LAW IN UZBEKISTAN

Abstract: This article provides a scientific and theoretical analysis of the characteristics of administrative procedures as an institution of administrative law, the scientific views of legal scholars on the concept of administrative procedures, the difference of administrative procedures from the administrative process and administrative proceedings. The analysis provides a description of the role of administrative procedures in administrative law and its author's definition.

Key words: administrative procedures, administrative process, administrative proceedings, the concept and features of administrative procedures

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларининг илк кунлариданоқ давлат ва жамият ҳаётини босқичма-босқич ислоҳ этиш, ҳуқуқий давлат қуриш, фуқароларнинг давлат бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш, давлат бошқарувини янада демократлаштириш, очиқлиги, шаффофлиги ва ҳисобдорлигини оширишга доир чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Маъмурий тартиб-таомилларнинг асосий қоидаларидан бири манфаатдор шахсларни тинглашдир. Бу эса Ўзбекистон Республикасининг Президенти таъкидлаган "халқ билан мулоқот"нинг ажралмас қисмини ташкил этади. Мазкур жиҳат Ўзбекистонда анъанавий давлат бошқаруви ўрнига "Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак" деган гояга асосланган замонавий давлат бошқарувининг (public administration) жорий этилиши боғлиқ.

Ривожланган ҳорижий давлатлар тажрибаси давлат бошқаруви органлари ва манфаатдор шахсларнинг ўзаро муносабатини самарали ташкил этишга хизмат қиладиган институтлардан бири маъмурий тартиб-таомиллар эканлигини кўрсатмоқда[1].

Таҳлиллардан маълум бўлишича, Президент виртуал қабулхонасига мурожаатларнинг аксарият қисми тадбиркорлик субъектларининг ривожланишига халал бераётган тўсиқ ва говларни бартараф этиш, қонунга зид идоравий қарорларни бекор қилиш, ишга жойлашиш, соғлиқни сақлаш, банк кредитларидан эркин фойдаланиш, уй-жой, коммунал ва йўл-транспорт хизматлари сифатини яхшилаш масалалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг фаолияти юзасидан келиб тушмоқда[2].

Бу эса маъмурий органлар фаолиятининг моддий ва процессуал асослари етарлича ишлаб чиқилмагани натижасида жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари етарлича таъминланмаслигини келтириб чиқармоқда.

Узоқ вақт давомида совет мафқураси таъсирида бўлган собиқ совет давлатларидамаъмурий ҳуқуқ қонунчиликни ислоҳ қилишнинг устувор йўналиши ҳисобланмагани[3], давлат органлари фуқароларга эмас, балки давлат ҳокимиятига хизмат қилган[4; 3, с.41].

Ўзбекистон Президентининг Ш. М. Мирзиёев фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси доирасида давлат бошқарувида "Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак" деган гояни жорий этиш нафақат юртимизда[5], балки бутун дунёда ҳам эътироф этилмоқда. Эскича фикрлайдиган, халқни ўз хизматкори деб ўйлайдиган раҳбар ва ходимларни янгича, замонавий давлат бошқарувида ўтказиш, албатта, осон иш эмас. Бунда энг аввало, давлат органларининг барча ходимлари халққа хизмат қилиш зарурлигини тушуниб етиши талаб этилади. Давлат органларининг раҳбар ва ходимлари халққа хизмат қилиши учун эса, албатта, тегишли ҳуқуқий механизмларни йўлга қўйиш лозим бўлади. Шу маънода

Ўзбекистонда 2018 йил 8 январда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги қонуни (бундан кейинги ўринларда МТТҚқонун[б]) ўз мазмун-моҳияти, асосий принциплари ва бошқа қоидаларига кўра давлат органларининг манфаатдор шахслар билан бўладиган муносабатларида уларнинг халққа хизмат қилишининг ҳуқуқий механизмини шакллантириб бергани билан алоҳида эътиборга сазовордир.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда маъмурий тартиб-таомилларнинг тўлақонли ишлаб кетиши учун биргина қонуннинг ўзи етарли эмас. Энг асосий масала - маъмурий тартиб-таомилларнинг илмий-назарий асосларини шакллантириш, уни тўғри англаш (тушуниш) ва амалиётда татбиқ этиш ҳисобланади. Тан олиш лозимки, маъмурий тартиб-таомилларнинг илмий-назарий асослари мамлакатимизда ҳали етарлича ўрганилмаган, тадқиқ этилмаган. Шу маънода, "маъмурий тартиб-таомиллар" тушунчаси, унинг асосий қоидалари нималардан иборатлигини тушуниш муҳим аҳамият касб этади. Шунга кўра, қуйида маъмурий тартиб-таомилларнинг илмий-назарий асослари юзасидан илмий мушоҳада юритилади.

Маъмурий тартиб-таомилларни тўғри англаш учун даставвал маъмурий тартиб-таомилларнинг ўзи ҳақида тушунчага эга бўлиш лозим. Бу борада олимлар томонидан турли фикрлар билдирилган бўлиб, қуйида шу ҳақда умумий тушунча берилади, сўнгра тадқиқот мавзуси юзасидан маъмурий тартиб-таомиллар қандай маъно касб этиши, уларнинг моҳиятига тўхталиб ўтаемиз.

Ўзбекистонда маъмурий тартиб-таомиллар институти умумий маъмурий ҳуқуқнинг кам тадқиқ этилган мавзуларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда ҳозирги кунда маъмурий тартиб-таомилларнинг яхлит илмий-назарий асослари ҳали тўлиқ шаклланиб улгурмаган деб тавсифлаш мумкин.

Айтиш мумкинки, маъмурий процессни кенг маънода (юрисдикцион, бошқарув ва юстициявий процессуал қоидалар) ва тор маънода (маъмурий суд ишларини юритиш) тушуниш мумкин.

Маъмурий ҳуқуқ процессуал қоидаларининг ҳаммасини бир тушунчага, яъни "маъмурий процесс"га бирлаштириш бошқа институтлар, жумладан, маъмурий тартиб-таомилларнинг мазмун-моҳияти, аҳамияти ва ривожланишини йўққа чиқариши мумкин. Ўзбекистонда маъмурий тартиб-таомиллар ва маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисида иккита алоҳида норматив-ҳуқуқий ҳужжат такомиллашиб бораётгани муносабати билан маъмурий тартиб-таомилларни маъмурий процессуал ҳуқуқнинг мустақил институти сифатида, умумий маъмурий ҳуқуқ соҳаси доирасида ўрганиш мақсадга мувофиқ. Шунга кўра, мазкур тадқиқот доирасида маъмурий процессни тор маънода, яъни маъмурий суд ишларини юритиш (маъмурий судлов) деб тушуниш таклиф этилади.

Гарчи тушунча сифатида "маъмурий жараён" деган атама ҳам илмий адабиётларда қўлланилса-да, лекин маъмурий жараённинг мазмуни юқорида келтирилган маъмурий процесс ёки маъмурий тартиб-таомилларнинг мазмунидан жуда катта фарқ қилмайди. Шунинг учун ҳам маъмурий жараёнга, тегишинча, маъмурий процесс ёки маъмурий тартиб-таомиллар сифатида ёки унинг таркибий процесси сифатида қараш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Маъмурий тартиб-таомиллар ҳақида фикр юритганда унинг давлат хизматлари билан алоқасини ҳам кўриб чиқиш лозим бўлади. Гап шундаки, бир қатор давлатлар маъмурий фаолиятни маъмурий тартиб-таомилларга оид қонунчилик

орқали тартибга солиш ўрнига давлат хизматлари кўрсатилишини ривожлантириш йўлидан боришган.

Мисол учун, Россияда маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонун мавжуд эмас. Унинг ўрнига минглаб маъмурий регламентлар орқали тартибга солинадиган давлат хизматларини кўрсатиш тўғрисидаги қонунчилик ривожлантирилган. Шунга кўра, баъзи мутахассисларимиз (мисол учун, А. Мусаев) давлат хизматлари кўрсатилишини ҳам маъмурий тартиб-таомиллар доирасига киритишади[7].

Бироқ, бу борада И.А.Хамедовнинг давлат хизматларига берган таърифини ҳам эслаб ўтиш ўринли бўлади. "Давлат хизматлари бу - аниқ манфаатдор шахсларга нисбатан давлат номидан ваколатли орган ва ташкилотлар томонидан бажариладиган, ушбу шахслар манфаати йўлида ёки қонун ҳужжатлари билан ўрнатилган оммавий тартибга риоя этиш юзасидан, маълумотлар, моддий ёки номоддий манфаатлар, ҳуқуқ ва устунликлар, шунингдек юридик аҳамиятга эга ҳужжатлар тақдим этиш шаклидаги, давлат бошқарувининг функциялари ва оммавий йўналтирилганлигини ифода этадиган, тақдим этиш характеридаги ҳаракатлардир"[8].

Кўриниб турибдики, маъмурий тартиб-таомиллар ва давлат хизматлари мазмун-моҳияти ва қаровига кўра бир-биридан кескин фарқ қилади. Жумладан, маъмурий тартиб-таомилларга "адресат учун исталмаган характеридаги ваколатли орган ва ташкилотларнинг ижроия-фармойиш фаолияти"ни киритиш мумкин бўлса, давлат хизматларига эса бундай фаолиятни киритиб бўлмайди.

Фикримизча, давлат хизматлари ва маъмурий тартиб-таомилларни бир-биридан фарқлаш лозим.

Давлат хизматларини кўрсатишга маълум маънода маъмурий тартиб-таомилларнинг алоҳида ёки махсус (суб)институлари ёки (суб)институтларининг бир қисми сифатида қараш мумкин[4, с.15-16; 3, с.49].

Шу маънода, давлат хизматлари кўрсатишни маъмурий тартиб-таомиллар институти билан тенглаштириб, бирхиллаштириб бўлмайди. Бошқа тарафдан, ушбу икки тушунчанинг ўхшаш жиҳати сифатида манфаатдор шахсларга йўналтирилганлиги ва давлат бошқаруви соҳасида амалга оширилишини ҳам келтириб ўтиш мумкин. Мисол учун, лицензиялаш ёки рухсат беришда ушбу жиҳатни кўриш мумкин. Бироқ, давлат хизматларини кўрсатишда энг асосий эътибор самарадорликка қаратилса, маъмурий тартиб-таомилларда манфаатдор шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга катта эътибор бериледи. Шунга кўра, ушбу икки тушунча бир-биридан фарқ қилади ва куйида маъмурий тартиб-таомилларга муаллифлик таърифини келтириб ўтиш билан мухтасар қилинади.

Маъмурий тартиб-таомилларга ўрганилган илмий ишлар доирасида турлича таъриф берилганини кўриш мумкин. Жумладан, бу борада И. М. Лазарев[9], В. А. Зюзин[1, с.9,53], Ю. А. Тихомиров[10], А. В. Минашкин[11], Н. Б. Малявина[12], О. В. Морозова[13], М. О. Ефремов[14] томонидан келтирилган таърифлар ўрганилди.

Фикримизча, маъмурий тартиб-таомиллар деганда асосан маъмурий органларнинг турли хил маъмурий фаолият доирасида маъмурий ҳужжат қабул қилишга қаратилган тартиб-таомил тушунилади. Лекин маъмурий фаолиятнинг ҳар бир тури ҳам, у ёки бу маънода, маълум бир маъмурий тартибдан иборатдир. Масалан, маъмурий текшириш, маъмурий режа ва бошқаларда маълум бир

маъмурий тартиб нормаларини ҳам кўриш мумкин. Лекин илмий адабиётларда ва ривожланган хорижий давлатлар қонунчилигида маъмурий тартиб-таомиллар деганда, асосан маъмурий ҳужжатни қабул қилиш тартиб-таомили ва унга кўшимча равишда бошқа маъмурий ҳаракатлар, яъни маъмурий қонунчилик, маъмурий режа чиқариш ёки маъмурий тартиб-таомиллар деганда асосан процедураларини тушунишни ҳам учратиш мумкин. Мисол учун, АҚШда маъмурий норма ижодкорлиги (Rulemaking) ҳам маъмурий тартиб-таомиллар доирасига киритилган.

Маъмурий процессуал нормаларни шартли равишда маъмурий ҳужжат қабул қилишгача бўлган дастлабки (олдинги, аввалги) ҳамда маъмурий ҳужжат қабул қилинганидан кейинги процессуал қоидаларга бўлиш мумкин. Юқорида таҳлил қилинган илмий адабиётларда маъмурий тартиб-таомиллар деганда асосан маъмурий ҳужжатни қабул қилишгача бўлган дастлабки процедуралар (маъмурий ҳужжатни қабул қилиш ҳам) назарда тутилади. Бундан ташқари, маъмурий тартиб-таомилларни шартли равишда маъмурий органларнинг маъмурий ҳужжатни қабул қилишга қаратилган маъмурий ишларни кўзгатиши, кўриб чиқиши ва мазкур ишлар бўйича қарор қабул қилишига доир фаолиятининг белгиланган тартиб-таомили сифатида ҳам тушуниш мумкин. Маъмурий ҳужжат қабул қилинганидан кейинги процессуал қоидалар, жумладан шикоят қилиш ва шикоятни ҳал қилиш тегишинча маъмурий шикоят ва маъмурий суд ишларини юритиш (маъмурий судлов) доирасида ўрганилади.

В. А. Зюинининг маъмурий тартиб-таомилларни функционал институт сифатида тушуниш нуқтаи назаридан келиб чиқадиган бўлсақ[1, с.8-9,46], турли соҳавий маъмурий фаолият турларида, у ёки бу маънода маъмурий тартиб-таомилларни кўришимиз мумкин. Бироқ бунда ижобий ёки регулятив хусусиятдаги, ташқи субъектларга йўналтирилган муносабатлар асосидаги, жазолаш ёки низолашиш характерида бўлмаган маъмурий фаолият тартиби мавжуд бўлишини назарда тутиш лозим. Шунга кўра, лицензиялаш, рухсат бериш ва бошқа маъмурий фаолият турларида ҳам функционал институт сифатидаги маъмурий тартиб-таомиллар мавжуд бўлишини эътироф этиш ўринли бўлади.

Шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси МТТҚонунининг 4-моддаси (асосий тушунчалар)да маъмурий тартиб-таомилларга қуйидагича таъриф берилган:

"маъмурий тартиб-таомил - маъмурий органларнинг маъмурий-ҳуқуқий фаолиятини тартибга солувчи процессуал қоидалар"

Бу борда А. А. Никольскаянинг маъмурий тартиб-таомилларни тушуниш муаммоси кўп қиррали бўлиб, маъмурий-процедуравий қонунчилик ривожланишига қараб янги-янги масалалар юзага келиши мумкинлиги ҳақидаги фикрларини ҳам эътиборга олиш лозим[15].

Ривожланган давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, замонавий давлат бошқаруви (public administration) асосидаги бошқарувда маъмурий тартиб-таомилларга давлат бошқарувида иштирок этиш, тўғри бошқарув қарорларига эришишнинг оқилона йўли, давлат бошқаруви органларининг халқ олдида ҳисобдор бўлиши, шаффофлик, маълум бир қоидаларга бўйсунуш орқали ўз ваколатларини суиистеъмол қилишдан сақланишни таъминлаш, маъмурий қарорларнинг самардорлигини ошириш қоидалари сифатида қаралмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ривожланган давлатлар сингари маъмурий тартиб-таомиллар

тўғрисидаги умумий қонуннинг маъмурий органлар ва манфаатдор шахслар ўртасидаги барча маъмурий-ҳуқуқий муносабатларга татбиқ этилишини ҳамда маъмурий тартиб-таомилларнинг барча асосий қоидаларини қонунда мустаҳкамлаш орқали қафолатлашни тақозо этади.

Юқорида билдирилган фикрлардан келиб чиқиб, ҳуқуқнинг мустақил (алоҳида) институти сифатида маъмурий тартиб-таомиллар деганда маъмурий органларнинг уларга хизмат юзасидан бўйсундирилмаган манфаатдор шахслар билан бўладиган муносабатларида давлат бошқаруви ваколатларини амалга ошириш орқали манфаатдор шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган ҳамда маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни тартибга соладиган (регулятив) нормалар тизимини тушуниш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, маъмурий тартиб-таомиллар маъмурий органларнинг уларга хизмат юзасидан бўйсундирилмаган манфаатдор шахслар билан қонун нормаларига мувофиқ келиб чиқадиган муносабатларида давлат бошқаруви ваколатларини амалга ошириш орқали манфаатдор шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятини тартибга соладиган (регулятив) процессуал қоидалардир.

Иқтибослар/Сноски/Reference:

1. Зюзин В. А. Административные процедуры: теория, практика и проблемы законодательного регулирования в РФ: Дис. ... канд. юрид. наук. - М., 2007. - С. 3. (Zyuzin V. A. Administrative Procedures: Theory, Practice and Problems of Legislative Regulation in the Russian Federation: Dis. ... Cand. legal sciences. - M., 2007. - P.3)

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги 28.12.2016 йилдаги ПФ-4904-сон Фармони, қўчга кириш санаси 09.01.2017. ЎР ҚХТ, 2017. - 1-сон, 5-модда. (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. UP-4904 dated 28.12.2016 "On measures radical improve the system of work with individuals and legal entities")

3. Пуделька Й. Право административных процедур и административно-процессуальное право в государствах Центральной Азии - краткий обзор современного состояния // Ежегодник публичного права 2015: Административный процесс. - М.: Инфотропик Медиа, 2015. - С. 41. (J. Pudelka. Law of Administrative Procedures and Administrative Process Law in Central Asian States - A Brief Overview of the Current State // Public Law Yearbook 2015: Administrative Process. - M.: Infotropik Media, 2015. - P. 41)

4. Пуделька Й., Дёппе Й. Общее административное право в государствах Центральной Азии - краткий обзор современного состояния // Ежегодник публичного права - 2014: "Административное право: сравнительно-правовые подходы". - М.: Инфотропик Медиа, 2014. - С. 3. (J. Podelka, J. Deppe. General Administrative Law in Central Asian States - a brief overview of the current state // Yearbook of Public Law - 2014: "Administrative Law: Comparative Legal Approaches". - M.: Infotropik Media, 2014. - P. 3.)

5. Демократик ислохотларни чуқурлаштириш, барқарор ривожланишни таъминлаш - халқимиз учун муносиб ҳаёт даражасини яратишнинг қафолатидир // Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т. 1. - Т.: Ўзбекистон, 2018. - Б. 56, 116, 152.. (Deepening of democratic reforms and ensuring sustainable development - guarantee of a decent standard of living for our people // Mirziyoyev Sh.M. We will continue our path of national development with determination and bring it to a new level. Т. 1. - Т.: Uzbekistan, 2018. - P. 56, 116, 152)

6. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 8 январдаги "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги ЎРҚ-457-сон қонуни (Қўчга кириш санаси 10.01.2019. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.01.2018. - 03/18/457/0525-сон). (Law of the Republic of Uzbekistan No.-457 "On Administrative Procedures" dated January 8, 2018)

7. Мусаев А. Законодательство об административном судопроизводстве в Республике Узбекистан // Ежегодник публичного права 2015: Административный процесс. - М.: Инфотропик Медиа, 2015. - С. 173. (Musaev A. Legislation on administrative proceedings in the Republic of Uzbekistan // Yearbook of public law 2015: Administrative process. - M.: Infotropik Media, 2015. - P. 173.)

8. Хамедов И.А. К вопросу о понятии и инвентаризации государственных услуг в Республике Узбекистан // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари ахборотномаси. - 2016. - № 2(26). - С. 20. (Hamedov I.A. On the issue of the concept and inventory of public services in the Republic of Uzbekistan // High training courses of GPO Uzbekistan. - 2016. - № 2 (26). - P. 20.)

9. Лазарев И. М. Административные процедуры в сфере взаимоотношений граждан и их организаций с органами исполнительной власти в Российской Федерации: Дис. ... канд. юрид. наук. - М., 2002. - С. 7, 47. (I.M. Lazarev. Administrative procedures in the sphere of relations between citizens and their organizations with executive authorities in the Russian Federation: Dis. ... Cand. legalsciences. - M., 2002. - P. 7, 47.)

10. Административное право и процесс: полный курс / Ю.А.Тихомиров. - М.: Изд-воТихомирова М.Ю., 2005. - С. 611. (Administrative law and process: full course / Yu.A.Tikhomirov. - M.: Publishing house of Tikhomirov M. Yu., 2005. - P. 611.)

11. Минашкин А. В. Административные процедуры организации и деятельности Правительства Российской Федерации // Законодательство и экономика. - 2002. - № 7 (255). - С. 41; Тихомиров Ю. А., Бачило И. Л., Талапина Э. В. Административные процедуры для публичной власти и граждан // Законодательство и экономика. - 2002. - № 6 (218). - С. 4.

(Minashkin A.V. Administrative procedures for the organization and activities of the Government of the Russian Federation // Legislation and Economics. - 2002. - № 7 (255). - P. 41; Tikhomirov Yu. A., Bachilo I. L., Talapina E. V. Administrative procedures for public authorities and citizens // Legislation and Economics. - 2002. - № 6 (218). - P. 4.)

12. Малявина Н. Б. Административные процедуры как средство противодействия коррупции в системе органов публичной власти: Дис. ... канд. юрид. наук. - М., 2008. - С. 21-22. (Malyavina N. B. Administrative procedures as a means of combating corruption in the system of public authorities: Dis. ... Cand. legalsciences. - M., 2008. - P. 21-22.)

13. Морозова О. В. Административные процедуры в РФ, США, ФРГ: Дис. ... канд. юрид. наук. - М., 2010. - С. 8, 39-40. (Morozova O.V. Administrative procedures in the Russian Federation, the USA, and the Federal Republic of Germany: Dis. ... Cand. legalsciences. - M., 2010. - P. 8, 39-40.)

14. Ефремов М. О. Административные процедуры как форма реализации компетенции органов публичной власти во взаимоотношениях с частными лицами: Дис. ... канд. юрид. наук. - М., 2005. - С. 10, 59. (Efremov M. O. Administrative procedures as a form of realization of the competence of public authorities in relations with individuals: Diss. ... Cand. legalsciences. - M., 2005. - P. 10, 59.)

15. Никольская А. А. Административные процедуры в системе публичного управления (проблемы административно-правового регулирования): Дис. ... канд. юрид. наук. - Воронеж., 2007. - С. 56-57. (Nikolskaya A. A. Administrative procedures in the public administration system (problems of administrative and legal regulation): Diss. ... Cand. legal sciences. - Voronezh., 2007. - P. 56-57.)